

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУСТАМОВ ШАВКАТ ШУХРАТ ЎҒЛИ**

**АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШДА МАТЕМАТИК УСУЛЛАРДАН**  
**Фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on the Psychological  
Sciences**

**Рустамов Шавкат Шухрат ўғли**

Амалиётчи психологлар касбий компетентлигини ривожлантиришда  
математик усуллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари..... 3

**Рустамов Шавкат Шухрат угли**

Особенности использования математических методов в развитии  
профессиональной компетентности практикующих психологов..... 23

**Rustamov Shavkat Shuxrat ugli**

Features of the use of mathematical methods in the development of professional  
competence of practicing psychologists ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУСТАМОВ ШАВКАТ ШУХРАТ ЎҒЛИ**

**АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШДА МАТЕМАТИК УСУЛЛАРДАН**  
**ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/P228 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг ([www.psi-ik.uz](http://www.psi-ik.uz)) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Собирова Дилафрўз Абдурозиковна**  
психология фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳусейнова Абира Амановна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Нуруллаева Бахтигул Бобожонова**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD03/30.12.2019 Psi.72.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “24” ноябрь соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.:(+998 65) 221-29-14; факс: (+998 65) 221-57-27; e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.:(+998 65) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил “11” ноябрь кuni тарқатилди.  
(2022 йил “11” ноябрь даги А/1150 рақамли реестр баённомаси).



**О.Х.Ҳамидов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор

**А.М.Назаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, психология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

**Р.А.Абдурашулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
психология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳар бир мамлакатнинг таълим тизимида зехнли, иқтидорли, қобилиятли ва ижодкор инсонларни ўқитиш ҳамда уларни жамият тараққиётига тайёрлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Дунёнинг етакчи таълим муассасаларида, жумладан Халқаро психология фанлари иттифоқи – IUPsyS (International Union of Psychological Science<sup>1</sup>) томонидан 2018-2023 йилларга мўлжалланган «Психология соҳасини янада такомиллаштириш концепцияси»да малакали психологларни тайёрлаш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда аниқ фанларни ўқитиш билан бир қаторда уларга мантиқий фикрлаш қобилиятларини оширишнинг самарали механизмларини ҳам йўлга қўйиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда амалиётчи психологларнинг математик компетентлиги, ижодий-яратувчанлиги, психологларни мантиқий фикрлашга йўналтирилганлиги, гуманитар фанларнинг математика соҳаси билан ўзаро интеграциялашганлигини ўрганиш, инновацион, техник тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари, психологик маълумотларни математик-статистик усуллар орқали қайта ишлашга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Глобаллашув ва ахборотлар кўламининг интенсифлашуви шароитида психология соҳаси бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда компьютер технологияларидан фойдаланиш тобора кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири кенг кўламли илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, психодиагностик текширувлар қамровини кенгайтириш ҳамда тўпланган психологик тадқиқот маълумотларини қайта ишлашни осонлаштиришга имкон берувчи ташхис методикаларининг компьютер намуналарининг яратилиши бўлса, иккинчиси, статистик танланмаларнинг репрезентативлигига, маълумотларнинг статистик таҳлили негизда чиқарилган хулосаларнинг асослилигига эътибор қаратиш зарурати кузатилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда таълим тизимини такомиллаштириш, уни бугунги замон талаблари асосида ўқитишнинг илғор ёндашувларини жорий этиш бўйича олиб борилган ислохотлар натижасида мактаб амалиётчи психологларнинг касбий компетентлигини математик билимларни эгаллаш орқали юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари фан-техника тараққиёти, инсонларнинг сифатли ва аниқ маълумотга бўлган эҳтиёжларининг ортиши илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган,

---

<sup>1</sup> <https://www.iupsys.net/> UPsyS Statement on Conflict in Eastern Europe.

Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш» каби вазифалар белгиланган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6108-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сонли «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида», 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ 3304-сонли «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор ҳамда фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда мактаб амалиётчи психологларининг математик компетентлиги, уларда психологияга оид маълумотларни статистик жиҳатдан қайта ишлаш ва ушбу муаммонинг замонавий ечимларини ишлаб чиқиш психологиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ўзбек олимларидан Ш.Р.Баратов, А.М.Жабборов, Э.Ғ.Ғозиев, Д.Ғ.Мухамедова, Н.М.Муллабоева, З.Т.Нишонова, Ш.Ш.Олимов, А.А.Расулов, Н.С.Сафоев, Р.С.Самаров, Г.Ш.Саломова, Г.К.Тулаганова, Б.Р.Қодиров, К.Б.Қодиров, У.Д.Қодиров, сингари олимлар изланишларида амалиётчи психологларнинг математик компетентлиги масаласи алоҳида ўрин эгаллаган.

МДҲ олимларидан Б.Г.Ананьев, В.Г.Афанасьев, В.И.Байденко, И.В.Блауберг, Б.С.Гершунский, И.А.Зимняя, В.И.Загвязинский, В.С.Ильин, Ф.Ф.Королев, Н.В.Кузьмина, А.О.Крыштановский, А.Д.Наследов, Р.И.Остапенко, В.Н.Раскин, В.Н.Садовский, Г.В.Суходольский, Е.В.Сидоренко, В.В.Сериков, В.Д.Шадриков, Ю.Г.Татур, Э.Г.Юдин кабилар томонидан математик компетентлик масала атрофлича таҳлил қилинган.

Хорижлик олимларнинг тадқиқотларида мазкур муаммони ечишга бағишланган жуда кўплаб илмий қарашлар мавжуд бўлсада, улар томонидан

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

кўлга киритган натижаларни маҳаллий шароитда тўғридан-тўғри қўллаш ижобий самара бермаслиги мумкин. Жумладан, А.Адлер, И.В.Блауберг, Ф.Гальтон, М.Ф.Дробиш, В.А.Дюк, Дж.Гласс, А.Кетле, М.Муллер, К.Пирсон, Дж.Равен, Ч.Э.Спирман, Р.Дж.Фишерларнинг олиб борилган илмий изланишларида амалиётчи психологларнинг математик компетентлиги тўғрисида шарҳлар берилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот режасига мувофиқ ОТ-Ф1-002 «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал ва ПЗ-202005236 «Оила психология фанидан мультимедиа маҳсулотини яратиш» (2021) номли инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** амалиётчи психологлар касбий компетентлигини ривожлантиришда математик усуллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

амалиётчи психологлардаги математик саводхонлик даражасининг ривожланишига таъсир қилувчи психологик омилларни аниқлаш орқали уларнинг психодиагностик, психокоррекцион ишлар самарадорлигини таъминлаш;

амалиётчи психологларнинг касбий фаолиятида маълумотларни қайта ишлаш пакетидан фойдаланиши кўникмасини ривожлантириш орқали улардаги ёшга оид дифференциал фарқларга боғлиқлигини очиқ бериш;

амалиётчи психологларда интеллектуаллик сифатларига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

амалиётчи психологларнинг математик саводхонлигини ва шахслилик сифатларига боғлиқлигини ўрганган ҳолда улардаги математик ҳамда коммуникатив компетентлик хусусиятларини ривожлантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** амалиётчи психологлар касбий компетентлигини ривожлантиришда математик усуллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганиш мақсадида Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги Халқ таълими тизимида фаолият кўрстаётган жами 310 нафар амалиётчи психологлар жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни амалиётчи психологлар касбий компетентлигини ривожлантиришда математик усуллардан фойдаланиш механизмлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда Г.М. Мануйлов, В.В. Козлов, М.П.Фетискиннинг «Коммуникатив ижтимоий компетентлик диагностикаси» методикаси, Р.Б.Кеттелнинг «16 PF сўровномаси» (10 PF шакли), Дж.К.Равеннинг «Прогрессив матрицалар методикаси» ҳамда махсус ишлаб чиқилган «Математик компетентлик даражаси» ижтимоий-психологик сўровномадан фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқотдан олинган натижаларни қайта ишлаш ва хулосаларнинг ишончлилигини математик-статистик

жиҳатдан ифодаловчи, ўзаро боғлиқ бўлмаган танланмалар орасидаги тафовутларнинг аҳамиятини Стьюдентнинг t-мезони, тегишли кўрсаткичларнинг алоқадорлиги даражалари Пирсоннинг r-корреляция формуласи ва маълумотларни қайта ишлаш SPSS.22 дастури имкониятларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

амалиётчи психологлардаги математик саводхонликнинг ривожланганлик даражаси индуктив, дедуктив хулоса чиқариш кўникмаларини когнитив, мантиқий компетентлик хусусиятларини дифференциалашувиға кўра шакллантириши туфайли психодиагностик, психокоррекция ишлар самарадорлигини таъминловчи индикатор эканлиги далилланган;

амалиётчи психологларнинг маълумотларни қайта ишлаш пакетидан фойдаланиши контент-таҳлил, натижаларини бирламчи гуруҳлаш ва талқин қилиш кўникмаларининг намоён бўлиши креатив компетентлик, дивергент фикрлаш омилларининг интегратив таъсирида матрицалар ранги билан ишлаш малакасини шакллантирилганлиғига кўра ёшга оид дифференциал фарқларға боғлиқлиги асосланган;

амалиётчи психологларнинг интеллектуаллик сифатини аналогик хулоса чиқариш жараёнида намоён бўлиши индивидуал рефлексив омиллардан янгиликка сезгирлик сифатини мотивацион компонентға устуворлик бериш орқали шаклланганлиги сабабли, креатив фикрлашни ривожланишини таъминловчи когнитив омил эканлиги исботланган;

амалиётчи психологларнинг математик саводхонлигини шахслилик сифатларига боғлиқлиғига кўра мустақил, реалистик фикрлашни когнитив, ижодий тафаккур омилларини интеграциялаш орқали уларда математик ҳамда коммуникатив компетентликни уйғун ҳолда ривожлантириш мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

амалиётчи психологлар фаолиятида намоён бўладиган математик компетентлиғига таъсир этувчи омилларни аниқлашға мўлжалланган психологик сўровнома ишлаб чиқилган, шунингдек, математик компетентлик омиллари даражасини тадқиқ этиш учун психодиагностик методикалар тизимлаштирилган ва амалиётға жорий қилинган;

амалиётчи психологлардаги математик компетентлик омилларини тадқиқ қилиш модели яратилган ва унинг натижалари амалиётда қўлланилган;

амалиётчи психологлар фаолиятидаги шахслилик хусусиятлари ва математик компетентлик омилларининг ўзаро алоқадорлик кўрсаткичлари эмпирик таҳлиллар ёрдамида асосланган;

амалиётчи психологлар математик компетентлигини ривожлантириш бўйича маҳсус дастури ишлаб чиқилган ва амалиётға татбиқ қилинган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада маълумотлар танланганлиги, респодентлар



сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган назарий таҳлил, психологик тест, кузатиш, математик компетентликни аниқловчи сўровнома, шахс хусусиятларини тадқиқ қилиш тести, интеллект тестлари, коммуникатив компетентликни аниқловчи тест-сўровнома ва статистик усуллар асосида амалиётчи психологлар математик компетентлигининг психологик омиллари, ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти амалиётчи психологлар математик компетентлиги ривожланишига бевосита таъсир этувчи омилларнинг, психологик хусусиятларни ёритиб беришга оид назарий хулосалардан психология йўналишидаги тадқиқот ишларда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Психологик тадқиқот маълумотларини қайта ишлаш методлари ва технологиялари», «Экспериментал психология», «Умумий психодиагностика», «Умумий психология», «Когнитив психология» фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар яратишда: таклиф этилган амалиётчи психологлар математик компетентлигига ижобий таъсир қилувчи омилларни очиқ бериш билан боғлиқ диагностик, психотехник усуллардан мактаб психологларининг амалий фаолиятида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Амалиётчи психологлар касбий компетентлигини ривожлантиришда математик усуллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари асосида:

амалиётчи психологлардаги математик саводхонликнинг ривожланганлик даражаси амалиётчи психологлардаги математик саводхонликнинг ривожланганлик даражаси индуктив, дедуктив хулоса чиқариш кўникмаларини когнитив, мантиқий компетентлик хусусиятларини дифференциалашувига кўра шакллантириши туфайли психодиагностик, психокоррекцион ишлар самарадорлигини таъминловчи индикатор эканлиги далилланган натижалар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 18-августдаги 8-сонли буйруғига асосан «Консультатив психология ва психокоррекция» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети, Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги ПМ 67-а-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий хулосаларнинг ўқув жараёнига жорий қилиниши натижасида амалиётчи психологларнинг касбий тайёргарлик даражаси сифат жиҳатдан такомиллаштирилган ва ўқув жараёнларини самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

амалиётчи психологларнинг маълумотларни қайта ишлаш пакетидан фойдаланиши контент-таҳлил, натижаларини бирламчи гуруҳлаш ва талқин қилиш кўникмаларининг намоён бўлиши креатив компетенлик, дивергент

фикрлаш омилларининг интегратив таъсирида матрицалар ранги билан ишлаш малакасини шакллантирилганлигига кўра ёшга оид дифференциал фарқларга боғлиқлиги асосланганлигига оид тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сонли буйруғига асосан 5210203 – Психология (амалий психология) бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган «Умумий психодиагностика» номли дарслиги мавзулари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сонли буйруғи). Натижада амалиётчи психологларнинг касбий тайёргарлик даражасини сифат жиҳатдан бойитилишга эришилган;

амалиётчи психологларнинг интеллектуаллик сифатини аналогик хулоса чиқариш жараёнида намоён бўлиши индивидуал рефлексив омиллардан янгиликка сезгирлик сифатини мотивацион компонентга устуворлик бериш орқали шаклланганлиги сабабли, креатив фикрлашни ривожланишини таъминловчи когнитив омил эканлиги исботланган илмий маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сонли буйруғига асосан 5210203 – Психология (амалий психология) бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган «Умумий психодиагностика» номли дарслиги мавзулари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сонли буйруғи). Натижада амалиётчи психологларнинг математик компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи методик таъминоти такомиллаштирилди ва ўқув жараёнининг самарадорлигини таъминлашда хизмат қилган;

амалиётчи психологларнинг математик саводхонлигини шахслилик сифатларига боғлиқлигига кўра мустақил, реалистик фикрлашни когнитив, ижодий тафаккур омилларини интеграциялаш орқали уларда математик ҳамда коммуникатив компетенликни уйғун ҳолда ривожлантириш мумкинлиги исботланганлигига оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 18-августдаги 8-сонли буйруғига асосан «Консультатив психология ва психокоррекция» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети, Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги ПМ 67-а-сонли маълумотномаси). Натижада амалиётчи психологлар математик компетентлигини ривожлантириш бўйича методик таъминоти такомиллаштириштирилган ва ўқув жараёнининг самарадорлигини ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш

учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан, 4 та республика ва 5 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 138 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Амалиётчи психологларнинг касбий компетентлик омилларини ўрганишнинг методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида амалиётчи психологларнинг математик компетентлиги, уларнинг касбий фаолиятида ушбу усулларни қўллаш ва ташкил этиш муаммоларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотларнинг назарий таҳлили амалга оширилган. Шу боисдан ҳам мазкур бобда компетентлик муаммоси бўйича хориж олимлари ҳамда мамлакатимиз психологларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашлари умумлаштирилган.


Шунингдек, шарқ мутафаккирларидан Муҳаммадад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Давоний каби мутаффакирлар асарларида таълим тарбия, шахсни комил инсон қилиб тарбиялаш шахс таррақиётида муҳим ўрин тутиши таъкидланган.

Хорижий олимлар томонидан амалиётчи психологларнинг математик компетентлиги борасида бир қанча изланишлар олиб борилган. Жумладан, Л.Бруни, П.Верджерио, М.Монтень, Ф.Рабле, А.Адлер, Дж.Равен, Ю.Кул, М.Ф.Дробишларнинг олиб борилган илмий изланишларида математик компетентлик тўғрисида шарҳлар берилган. Унга кўра, замонавий психология фақат ишончли маълумотлар ҳамда аниқ фактлар асосида хулоса қилиш кераклиги таъкидланган.

Рус олимларидан Н.В.Александров, И.А.Колесникова, А.И.Пискунов, В.К.Розов, В.А.Сластёнин, Л.Ф.Спирин, А.И.Щербаков, В.П.Беспалько, В.В.Краевский, Н.В.Кузьмина, В.С.Гершунский, А.Д.Наследов, А.О.Крыштановский, М.М.Главатских, Р.И.Остапенко, Б.Г.Ананьев, Г.В.Суходольский кабилар математик компетентлик бўйича замонавий тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбек олимларидан Э.Г.Гозиев, Ш.Р.Баратов, В.М.Каримова, А.М.Жабборов, З.Т.Нишонова, Н.С.Сафоев, Д.Ғ.Мухамедова, Б.Р.Қодиров, А.И.Расулов, Б.Р.Адизов, Ш.Ш.Олимов, У.Д.Қодиров, Ғ.Ш.Саломова, Н.М.Муллабоева, П.С.Эргашев, Ғ.К.Тулаганова сингари олимлар амалиётчи психологларнинг математик компетентлик муаммосига оид тадқиқотлар олиб боришган.

Юқорида келтирилган назарий маълумотлар таҳлиларига кўра, «Компетентлик» тушунчаси «самарали иш жараёнини аниқлайдиган натижалар» деган маъноларни англатади. Бинобарин, «Компетентлик» бу – бирор-бир соҳа бўйича етук мутахассис, обрўли, тўла ҳуқуқли, бир қатор ваколатларга эга, қобилиятли шахсдир.



**1-расм. Амалиётчи психологларга хос математик компетенциялар кластери**

Касбий компетентлик кластери уч хил: (1) фаолиятни; (2) шахслиликни; (3) мотивацияни ташкил қилувчи компетенциялар мажмуида кўринади (1-расмга қаранг).

Назарий таҳлиллар натижасидан кўриш мумкинки, компетентлик – инсон фаолиятини унинг энг яхши бажарган амалларига нисбатан баҳолашда ёрдам берадиган меъёр, деб айтиш мумкин. Сабаби, бундай баҳоланиш, ўз

навбатида, ўзгаришлар шароитида жамоа фаолиятини яхлит ҳолда ижобий томонга ўзгаришига олиб келади. Охир оқибат, муваффақият эгалари – бу ташкилот, жамият ва муайян шахслар ҳисобланишади. Умуман олганда, компетенция муайян шахс доирасида ўрганилганда, инсоннинг ривожлантириши зарур бўлган кучли томонларини, сифатларини юзага чиқаришда ва ишни энг яхши, самарали бажариш мумкин бўлган усулларини аниқлашда ёрдам берса, жамоа миқёсида эса, ҳамкасбларни ўқитишга бўлган эҳтиёжларни ва берилган маслаҳатлар натижасида тўлмай қолган «бўшлиқ»ларни тўлдиришда асқотади. Демак, юқоридаги тўрт босқичли назария, уч босқичли тизим, уч хил кўринишдаги компетенциялар тузилмасида илгари сурилган ғояларга ва яна шу соҳада тадқиқотларни олиб борган олимлар тадқиқотларига асосланадиган бўлсак, компетентлик – таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун, яъни муайян кишилар (гуруҳлар) малакасини ошириш ва иш (ўқиш) фаолиятини самарадорлигини таъминлаш, касбий компетентли мутахассис шахси шаклланишида ўзига хос кўрсаткич сифатида хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Амалиётчи психологлар касбий компетентлигини ривожланишида математик усулларни намоён этилишининг эмпирик асослари**» деб номланган бўлиб, унда амалиётчи психологлар математик компетентлигини ўрганишда қўлланилган методикаларнинг услубий тамойиллари, танланган объектларнинг психологик тавсифини ишлаб чиқиш, математик компетентлик омиллари тўғрисидаги таҳлиллар, тадқиқотда танлаб олинган респондентларнинг психологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида мазкур тадқиқот учун ишлаб чиқилган психологик сўровнома ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар қайд этилган. Шунингдек, амалиётчи психологларни математик компетентлигини долзарблигининг меҳнат фаолияти давомийлиги билан боғлиқ омилларини аниқлаш ва улар ўртасида корреляцион боғлиқликлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

### 1-жадвал

#### Асосий тадқиқот гуруҳи тўғрисида умумий маълумотлар

| Худуд       | 3 йилгача меҳнат фаолиятига эга амалиётчи психологлар | 5 йилгача меҳнат фаолиятига эга амалиётчи психологлар | Жами       |
|-------------|---|---|------------|
| Бухоро      | 85  | 51  | 136        |
| Навобий     | 55  | 38  | 93         |
| Қашқадарё   | 52  | 29  | 81         |
| <b>Жами</b> | <b>192</b>  | <b>118</b>  | <b>310</b> |

Тадқиқотимиз учун танланган ҳар бир объект ҳар томонлама тадқиқотимизнинг зарур динамика ва самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишга ҳамда тегишли илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишга замин ҳозирлайди. Бу эса замонавий психологияни ривожланишида ҳамда мактаб амалиётчи психологларига бўлган ижобий муносабатни шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

## 2 - жадвал

**Амалиётчи психологларда “Прогрессив матрицалар” тести орқали  
олинган умумий маълумотлар таҳлили (n=310)**

| Гуруҳлар     | Интеллект даражалари |      |        |      |       |      | Жами: |
|--------------|----------------------|------|--------|------|-------|------|-------|
|              | паст                 | Фоиз | ўртача | Фоиз | юқори | Фоиз |       |
| Назорат      | 61                   | 38,1 | 79     | 49,3 | 20    | 12,6 | 160   |
| Тажриба      | 64                   | 42,6 | 69     | 46,1 | 17    | 11,3 | 150   |
| <b>Жами:</b> | 125                  | 40,3 | 148    | 47,7 | 37    | 11,9 | 310   |

Келтирилган натижаларга (2-жадвал) кўра, амалиётчи психологларда интеллект даражаси тажриба гуруҳида, паст даража (42,6%), ўртача (46,1%), юқори (11,3%) ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида эса паст даража (38,1%), ўртача (49,3%), юқори (12,6%) ни қайд этди. Келтирилган кўрсаткичлар асосида амалиётчи психологлардаги интеллект даражалари тажриба ва назорат гуруҳларда энг кўп фоизда ўртача даражада 47,7%, энг юқори даража 11,9% бўлса, энг қуйи даража эса 40,3% эканлиги аниқланди. Бу эса амалиётчи психологларда матрицалар билан ишлаш, турли кўринишдаги амалларни бажаришда бир қатор муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатди. Амалиётчи психологларнинг матрицалар билан ишлаш кўникмасини шаклланишида бевосита дивергент фикрлаш яъни ижодий фикрлаш усули, муаммо ва вазифаларни ҳал қилишда бир хил муаммонинг кўплаб ечимларини топиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Албатта юқорида келтирилган ҳолатларни мавжудлиги уларда психологик тадқиқот натижаларини қайта ишлашда бир қатор камчиликлар мавжуд эканлигидан далолат беради.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги методикаси сифатида «Математик компетентликни эксперт баҳолаш сўровномаси»дан фойдаландик. Мазкур сўровнома шахсдаги турли кўринишдаги компетентлик омилларини аниқлаш учун хизмат қилади. Жумладан, социал психологик компетентлик, когнитив компетентлик, математик компетентлик, мантикий компетентлик ҳамда креатив компетентлик каби омилларни аниқлаш имконини беради. Ушбу сўровномани ўтказишдан мақсад мактаб амалиётчи психологларининг нафақат математик компетентлигини, балки, унга ўзаро боғлиқ бўлган бошқа шахслилик хусусиятларини ҳам аниқлашдир. Тадқиқотимиз давомида мазкур сўровномани биз Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган амалиётчи психологларни меҳнат фаолиятининг давомийлигини ҳам ўргандик (3-жадвал).

## 3 - жадвал

**Математик компетентликни эксперт баҳолаш сўровномаси орқали  
олинган маълумотлар таҳлили (n=310)**

| Омиллар                        | Иш стажи  | N   | Ўртача қиймат | Стандарт оғиш | T    | Ишонч даражаси |
|--------------------------------|-----------|-----|---------------|---------------|------|----------------|
| Социал психологик компетентлик | 3-йилгача | 140 | 30,7          | 9,7           | 4,45 | ,005           |
|                                | 5-йилгача | 170 | 36,5          | 7,4           |      |                |
| Когнитив компетентлик          | 3-йилгача | 140 | 18,6          | 7,8           | 1,96 | ,007           |
|                                | 5-йилгача | 170 | 22,4          | 8,8           |      |                |
| Математик                      | 3-йилгача | 140 | 18,6          | 9,9           | 4,96 | ,004           |

|                          |           |     |      |      |      |      |
|--------------------------|-----------|-----|------|------|------|------|
| компетентлик             | 5-йилгача | 170 | 10,6 | 10,4 |      |      |
| Мантиқий<br>компетентлик | 3-йилгача | 140 | 10,0 | 5,9  | 1,74 | ,003 |
|                          | 5-йилгача | 170 | 17,1 | 5,4  |      |      |
| Креатив<br>компетентлик  | 3-йилгача | 140 | 22,1 | 6,5  | 3,96 | ,000 |
|                          | 5-йилгача | 170 | 13,5 | 7,9  |      |      |

Ушбу сўровномада математик компетентликка талукли бўлган 5 та (социал-психологик компетентлик, когнитив компетентлик, математик компетентлик, мантиқий компетентлик, креатив компетентлик) муҳим бўлган омилларнинг таҳлили амалга оширилди. Ушбу таҳлилларни амалга ошириш жараёнида мактаб тизимида фаолият олиб бораётган амалиётчи психологларнинг меҳнат фаолият давомийлиги инобатга олинди. Бунда, «социал психологик компетентлик» мезони 3 йилгача меҳнат фаолияти давомийлигига эга бўлган психологларда ўртача қиймат 30,7 бўлса, 5 йил ва ундан юқори меҳнат фаолияти давомийлигига эга мутахассисларда эса 36,5 ни ташкил этди (Студент t мезони бўйича статистик фарқ ,005). Бундан кўринадики, меҳнат фаолияти давомийлиги қанчалик юқори бўлса, амалиётчи психологларда бошқаларнинг ҳиссий-эмоционал ҳолатига сезгирлик, ҳамдардлик, инсонларнинг туйғуларини тез илғаш каби сифатлар юқори бўлар экан. «Когнитив компетентлик» мезонида ҳам айрим фарқли хусусиятлар кузатилди. Яъни, 3 йилгача меҳнат фаолияти давомийлигига эга бўлганларда ўртача қиймат 18,6 бўлса, 5 йил ва ундан юқори меҳнат фаолияти давомийлигига эга амалиётчи психологларда 22,4 ни кўрсатди (Студент t мезони бўйича статистик фарқ ,007). Бу шундан далолат берадики, уларда жамоа, гуруҳ аъзолари билан ҳамкорлик қила олиш қобилияти яхши шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Кейинги мезон бўйича таҳлиллар шуни кўрсатдики, «математик компетентлик» да меҳнат фаолиятининг давомийлигига қараб тескари статистик фарқ кузатилди. 3 йилгача меҳнат фаолиятига эга психологларда 18,6, 5 йил ва ундан юқори эса 10,6 ни кўрсатди (Студент t мезони бўйича статистик фарқ ,004). Демак, 3 йил меҳнат фаолиятига эга бўлган амалиётчи психологларда математик амаллар, статистика, психологик маълумотларни қайта ишлашда янги технологияларни қўллашга бўлган муносабат ҳамда индуктив, дедуктив хулоса чиқариш кўникмаларини мавжуд эканлигидан дарак беради. Навбатдаги мезонларга кўра «мантиқий компетентлик» (3-йилгача 10,0 ва 5 йил ва ундан юқориларда 17,1 қиймат) ҳамда «креатив компетентлик» (3-йилгача 22,1 ва 5 йил ва ундан юқори бўлган 13,5) бўйича ҳам амалиётчи психологлардан дастлабки эмпирик натижалар кўлга киритилди.

«Коммуникатив ижтимоий компетентлик диагностикаси» методикасидан олинган натижалар таҳлиliga кўра «А» омил бўйича «мулоқотчанлик» 3 йилга нисбатан 5 йилгача 52,9% ни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики коммуникатив мулоқот жараёнига мослашиш йил ҳисобидан олиб қараганда бироз кўпроқ вақтни талаб қилади. «Ўз-ўзидан мулоқотга киришишга қийналиш» омили 3 йилгача 53,6% ни ташкил қилди. «В» омил бўйича «мантиқий фикрлаш» даражаси 3 йилга нисбатан 5 йилда 55,9% ни, «заиф фикрлаш даражаси» эса 3 йилгача меҳнат фаолияти давомийлигига эга бўлган психологларда 57,1% ни кўрсатди. «Мантиқий

фикрлаш” қобилияти психологларда йиллар мобайнида шаклланиши аниқланди. Бунга бевосита интеллектуал жараённинг роли бекиёсдир. «Барқарорлик» ва «беқарорлик» омиллари бўйича ҳам 5 йилгача 52,9%, беқарорлик эса 3 йилгача 53,6% ни ташкил этди. Бундан маълумки, барқарор ижтимоий муносабатлар 3 йилга нисбатан кўпроқ вақтда шаклланади. Кейинги мезон, яъни, «оптимизм» ва «пессимизм» омили 3 йилгача 57,1% ни, «пессимизм» эса 5 йилгача меҳнат амалиётига эга бўлган психологларда 50,0% ни ташкил этди. Оптимизм, яъни юқори кайфиятда атрофдагилар билан муносабатга киришиш 3 йилгача иш тажрибасига эга бўлган психологларда устун бўлса, пессимизм – яъни кайфиятдаги ўзгаришлар, шахсий прагматик келишмовчиликлар ва мулоқот жараёнидаги узилишлар 5 йилгача иш тажрибасига эга бўлган психологларда юқори ўрин эгаллаши аниқланди.

#### 4 - жадвал

#### Коммуникатив ижтимоий компетентлик диагностикаси бўйича олинган маълумотлар таҳлили (Г.М Мануйлов, В.В Козлов, М.ПФетискин) (n=310)

| Омиллар  |                                   | 3-йилгача |       | 5-йилгача |       |
|----------|-----------------------------------|-----------|-------|-----------|-------|
|          |                                   | N=140     |       | N=170     |       |
|          |                                   | п         | %     | п         | %     |
| «А» омил | Мулоқотчан                        | 65        | 46,4  | 90        | 52,9  |
|          | Мулоқотга киришишга кийналадиган  | 75        | 53,6  | 80        | 47,1  |
|          | Жами                              | 140       | 100,0 | 170       | 100,0 |
| «В» омил | Мантикий фикрлайдиган             | 60        | 42,9  | 95        | 55,9  |
|          | Заиф фикрлайдиган                 | 80        | 57,1  | 75        | 44,1  |
|          | Жами                              | 140       | 100,0 | 170       | 100,0 |
| «С» омил | Барқарор                          | 65        | 46,4  | 90        | 52,9  |
|          | Беқарор                           | 75        | 53,6  | 80        | 47,1  |
|          | Жами                              | 140       | 100,0 | 170       | 100,0 |
| «Д» омил | Оптимизм                          | 80        | 57,1  | 75        | 44,1  |
|          | Пессимизм                         | 60        | 42,9  | 85        | 50,0  |
|          | Жами                              | 140       | 100,0 | 160       | 94,1  |
| «К» омил | Ижодий тафаккури ривожланган      | 44        | 31,4  | 73        | 42,9  |
|          | Реалист                           | 96        | 68,6  | 67        | 39,4  |
|          | Жами                              | 140       | 100,0 | 140       | 82,4  |
| «Н» омил | Ўзини назорат қила оладиган       | 78        | 55,7  | 68        | 40,0  |
|          | Назоратда кийинчиликка учрайдиган | 62        | 44,3  | 92        | 54,1  |
|          | Жами                              | 140       | 100,0 | 160       | 94,1  |
| «М» омил | Ўзига йўналган                    | 43        | 30,7  | 98        | 57,6  |
|          | Ўзгаларга йўналган                | 97        | 69,3  | 72        | 42,4  |
|          | Жами                              | 140       | 100,0 | 170       | 100,0 |

«К» омили бўйича «ижодий тафаккури ривожланганлик даражаси» 5 йилгача 42,9% ни реалистлар эса 3 йилгача 68,6% ни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики мулоқот қилиш давомида 3 йилгача реалистик тафаккур



5 йилда эса воқеаларга креатив ёндашиш, эркин муносабат билдира олиш ва таҳлил қилиш каби сифатлар ривожланар экан.

Кейинги омил бўйича «Ўзини назорат қила олиш» омили 3 йилгача 78 нафар шахсда 55,7%ни, «Ўзини назорат қилишда қийналиш» эса 5 йилгача 92 респондент иштирокида 54,1%да намоён бўлди. Сўнгги омил бўйича таҳлил қилинганда «Ўзига йўналганлик» 5 йилгача 98 нафар респондент иштирокида 57,6%ни «Ўзгаларга йўналганлик» 97 нафар респондент билан 3 йилгача 69,3%ни ташкил қилди. Унга кўра коммуникацион муомала жараёнида ўзига бўлган муносабатнинг устунлиги 5 йилгача тўлиқ шаклланади, унча эса ўзгаларга яъни ижтимоий муҳитга эътибор бевосита устунлик қилади. Ушбу маълумотларнинг таҳлили 3-жадвалда янада аниқроқ ўз аксини топган.

Демак, юқоридаги таҳлиллар асосида мактабда фаолият кўрсатаётган амалиётчи психологларнинг математик компетентлигига таъсир этувчи психологик омиллар (иш тажрибасига қараб) турлича бўлиши мумкин экан. Ушбу омилларни аниқлаш асосида амалиётчи психологларни математик компетентлигини оширишдаги мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш бўйича муайян даражадаги психологик таҳлиллар олиб борилади ва шу таҳлил натижалари асосида уларга психологик хизмат кўрсатишнинг кейинги вазифалари, усуллари ва истиқболлари белгилаб берилади.

Диссертациянинг «**Амалиётчи психологларда касбий компетентлик кўрсаткичлари самарадорлигининг тадқиқ қилиниши**» деб номланган учинчи боби муаммонинг эмпирик таҳлиliga бағишланган бўлиб, ушбу бобда олинган натижаларнинг таҳлили, тадқиқот методлари орасидаги корреляцион боғланишлар, компетентлик омилларини ривожлантиришга йўналтирилган психологик тренинглари дастури, унинг самарадорлигини таъминлайдиган омиллар ҳамда тажрибадан олдин ҳамда кейинги статистик натижалар таҳлили келтирилган.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган мактаб амалиётчи психологларини математик усуллардан фойдаланиб уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш борасидаги ривожлантирувчи дастуримиз қуйидаги йўналишларга таянади:

Амалиётчи психологларга математик-статистика усуллари ҳақида тушунча бериш;

Индивидуал ва гуруҳий шаклда ривожлантирувчи коррекцион дастурни ишлаб чиқиш;

Математик компетентликни ривожлантиришга таъсир этувчи шахслилик хусусиятларини коррекциялаш.

Ривожлантирувчи ишлар психокоррекцион комплекс дастури ёрдамида амалга оширилди. Машғулот бир-бирига боғлиқ бўлган олти босқичдан иборат бўлди (5- жадвал).

## 5 - жадвал

### Коррекцион-тренинг машғулотлари дастури

| №  | Машқ номи           | Машқнинг вазифалари   |
|----|---------------------|---|
| 1. | «Кириш қисми»       | Гуруҳ аъзолари билан танишиш, бегоналик ҳиссини камайтириш, адаптацияни ҳосил қилиш |
| 2. | «Математик билимлар | Гуруҳ ҳар бир аъзосининг математик  |

| №  | Машқ номи   | Машқнинг вазифалари  |
|----|---|--|
|    | даражаси»   | саводхонлик даражасини аниқлаш ва шу асосида ривожлантирувчи коррекцион ишларни амалга ошириш                |
| 3. | «Гуруҳда ишлаш қоидаларидан хабардор қилиш»                                       | Ўзаро биргаликдаги ҳаракат қоидалари юзасидан гуруҳнинг ҳар бир аъзоси маълумотга эга бўлишини таъминлаш     |
| 4. | «Қоғоз-қалам» анъанавий усуллари ҳақида маълумот бериш                            | Гуруҳ аъзоларига тадқиқот натижаларини қайта ишлаш усуллари махсус формула ва мезонлар орқали тушунтириш     |
| 5. | «Статистик амаллар моҳиятини маҳорат дарслари орқали етказиб бериш»               | Гуруҳ аъзоларига психологик тадқиқот натижаларини қайта ишлашга оид янги технологиялар ҳақида маълумот бериш |
| 6. | «Машқлар юзасидан мунозаралар қилиш ва натижаларни умумлаштириш, хулосалар қилиш» | Тренинг қатнашчиларидаги математик компетентлик даражасини шакллантириш                                      |

Тренинглар давомида иштирок этган 150 нафар респондентларда мантиқий ечимларни излаш, аниқ фанларга бўлган муносабат, замонавий компьютер технологиялари саводхонлиги бўйича бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Энди амалиётчи психологларнинг математик компетентлигига боғлиқ бўлган шахслилик сифатларини аниқлаш мақсадида «Кеттел услуги» ҳамда «Математик компетентликни эксперт баҳолаш сўровномаси» бўйича олинган натижалар орасида корреляцион боғланишлар ҳам таҳлил қилинди.

#### 6-жадвал

#### Кеттел услуги бўйича шахс хусусиятлари намоён этилишининг корреляцион боғланишлари (n=310)

|                                |                     | Социал психологик компетентлик | Когнитив компетентлик | Математик компетентлик | Мантиқий компетентлик | Креатив компетентлик |
|--------------------------------|---------------------|--------------------------------|-----------------------|------------------------|-----------------------|----------------------|
| Интеллектуаллик                | Пирсон корреляцияси | ,247                           | ,392                  | ,621*                  | ,591**                | ,510**               |
|                                | аҳам.(2-томон)      | ,214                           | ,004                  | ,008                   | ,018                  | ,142                 |
|                                | N                   | 310                            | 310                   | 310                    | 310                   | 310                  |
| Ижтимоий меъёрларга риоя қилиш | Пирсон корреляцияси | ,597**                         | ,147                  | ,235                   | ,641**                | ,351                 |
|                                | аҳам.(2-томон)      | ,001                           | ,124                  | ,245                   | ,005                  | ,114                 |
|                                | N                   | 310                            | 310                   | 310                    | 310                   | 310                  |
| Ишонувчанлик                   | Пирсон корреляцияси | ,729**                         | ,235                  | ,242                   | ,148                  | ,214                 |
|                                | аҳам.(2-томон)      | ,002                           | ,120                  | ,010                   | ,088                  | ,034                 |
|                                | N                   | 310                            | 310                   | 310                    | 310                   | 310                  |
| Ҳаёлий тимсолларга берилиш     | Пирсон корреляцияси | ,354                           | ,209                  | -,748**                | ,341                  | ,547**               |
|                                | аҳам.(2-томон)      | ,042                           | ,060                  | ,005                   | ,102                  | ,002                 |
|                                | N                   | 310                            | 310                   | 310                    | 310                   | 310                  |
